

Навоийнинг ижод олами

Scanned with ACE Scanner

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ

НАВОИЙНИНГ ИЖОД ОЛАМИ

(Мақолалар тўплами)

5-китоб

Adast poligraf
ТОШКЕНТ – 2022

Scanned with ACE Scanner

Навоийнинг ижод олами: илмий мақолалар тўплами. Тошкент 2022. - 130 б

Мазкур тўплам ўзбек халқининг улуғ мутафаккири Алишер Навоий ижодиётига бағишланган тадқиқотлардан таркиб топган. Ундаги мақолаларда ҳазрат Навоийнинг шеърий ва насрий мероси, поэтик образлар олами, асарларининг мазмун-моҳияти, тасаввуф таълимоти билан алоқадор жиҳатлари тадқиқ этилган. Китобдан ўрин олган хилма-хил мавзудаги мақолалар қизиқиб ўқилади, деган умиддамиз.

Тўплам илмий ходимлар, адабиёт муаллимлари, докторантлар, олий ўқув юртларининг филология факультети талабалари, умуман навоийхонларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:
Мақсуд АСАДОВ,
филология фанлари доктори

Нашрга тайёрловчи:
Дилмурод АСҚАРОВ

©Навоийнинг ижод олами
©Adast poligraf

Scanned with ACE Scanner

МУНДАРИЖА

1. **Ҳаққул И.** Навоий шеъриятида дард ва бедардлик тазоди.....3
2. **Болтабоев Ҳ.** "Ҳайрат..."дан бошланган қалбларнинг севимли китоби.....11
3. **Жабборов Н.** Алишер Навоий ижодида аҳли маъни ва аҳли сурат муносабатлари 23
4. **Almaz Ülvi Binnatova.** Təzkirəçilik ənənələrinin tarixi kökləri və ya Əlişir Nəvain təzkirəçi kimi.....36
5. **Асадов М.** Навоий фардларининг поэтик хусусиятлари.....48
6. **Рафиддинов С.** Навоий ижодида Каъба тавсифи.....55
7. **Очилов Э.** Навоий ва Огаҳий ижодида гул ва булбул образларининг бадиий вазифалари.....69
8. **Ўтанова С.** Образ руҳияти ва ранг ҳақиқатлари.....81
9. **Рахмонова З.** Алишер Навоий ижодида соқий- муршид образи.....88
10. **Исмоилов И.** "Искандар ва гадо" ҳикояти генезиси.....95
11. **Худоёрова М.** Навоийнинг насрий асарларида қитъа жанрининг ўрни.....111
12. **Жўракулова Н.** Навоий тазкираларида Эр ва Эран образининг ахлоқий- маънавий мартабаси.....121

Scanned with ACE Scanner

мукаммаллигини белгилаб берувчи сифатлар ҳақида қатъий ҳукм эълон қилади:

Кишида барча ахлоқи ҳамида ,
Чу ғам ўлди кўярлар отин эҳсон,
Бири андин саходур, бир мурувват,
Булар гар йўқдур, инсон эрмас инсон. (9, 531)

"Маҳбуб ул-қулуб"даги қитъалар даҳо ижодкорнинг жанрга қўйган талабларидан келиб чиқиб, турли поэтик вазифаларни бажаради. Қитъалар ижодкор нияти ёритилган насрий қисмнинг шеърий ифодаси сифатида, ғоянинг бутунлигини таъминловчи, тўлдирувчи шеърий шакл сифатида, донишманд ижодкорнинг умумий хулосаларини баён этувчи асосий восита сифатида ҳам муҳим вазифани ўтайди.

Умуман, Алишер Навоийнинг насрий асарларида келтирилган қитъалар улуғ шоирнинг замондошларига, атрофдагиларга, турли тарихий воқеа-ҳодисаларга муносабатини билишда, XV аср Хуросон ижтимоий, сиёсий, маданий ҳаёти манзараларини тасаввур этишда, қолаверса, буюк мутафаккир шоир дунёқарашининг ёркин жиҳатларини англаш ва мушоҳада қилишда ўқувчига кенг имкониятлар беради. Насрий асарлар таркибидаги қитъалар адабий матн мазмуни, руҳи, кайфияти билан бевосита боғлиқликки, уларни матндан таркибидан узиб олиб, талқин қилиш ҳам қитъалар ифода этаётган фикр-мулоҳазалар мазмунини тўла-тўқиш идрок этишга монелик қилади. Яъни муайян насрий парча, воқеа, ҳодиса баёни билан алоқадорлиги мазкур қитъаларнинг ўзига хослигини яққол кўрсатади. Агар насрий асарлардаги қитъалар ҳам қўшиб ҳисобланса, Навоий қитъаларининг сони 250 га яқинлашади. Ушбу шеърлар буюк мутафаккирнинг қитъалари миқдорини аниқлашда ҳам аҳмиятлидир.

Насиба ЖЎРАҚУЛОВА

НАВОИЙ ТАЗКИРАЛАРИДА ЭР ВА ЭРАН ОБРАЗИНИНГ АХЛОҚИЙ-МАЪНАВИЙ МАРТАБАСИ

Туркий халқлар маънавияти, маданияти, қадриятлари билан инсоният тарихида азалдан юксак мавқега эга бўлган. Шунингдек, бу тарихда жангчи раҳнамо-ю, донишманд алломаларнинг ўрни ҳам

Scanned with ACE Scanner

алоҳида эътиборга молик. Улардаги ирфон ва идрок, ишқ ва ҳассосият мукаммаллиги, албатта, бадиий адабиётда ўз аксини топган. Эр ва Эран мана шундай туркий руҳ, туркий дунёқарашни тамсил этувчи етук шахслар образидир. Илк туркий изоҳли луғат "Девону луғатит- турк"да Эр – эркак киши, Эран эса шу сўзнинг кўплиги эканлиги айтилади [6, 49]. Асарда бу номларнинг жинс маъноси билан бир қаторда мард қаҳрамон, жасур йўлбошчи, фазилатли инсон каби жиҳатлари ҳам изоҳланади. Эр ва Эран бадиий адабиётдаги энг қадимий ва мукаммал образлардан биридир. Халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб мумтоз адабиётнинг энг сара асарларигача эр, эран лафзи комиллик томон бораётган олийҳиммат, танти зотларнинг умумий номи сифатида тилга олинади. Зотан, атоқли адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққулов таъбири билан айтганда: "...туркий ёзма ва оғзаки адабиётдан эр, эран, алп эран, ғайб эран образлари четга сурилса, унинг нафақат миллий-тарбиявий, балки умуминсоний моҳияти ҳам кучсизлашиб, ҳатто маҳдудлашиб қолади. Улар тилга олинганда мумтоз шеъриятдан мардлик, матонат, ҳикмат, жасорат каби боқий ҳақиқатлар ёришиб, ёлқинлашиб келгандай туюлади"[10].

Таъкидлаш жоизки, туркий адабиётда эр ва эран образи моҳият ва ифодасидаги янгиланишлар Аҳмад Яссавий ҳикматларидан бошланди, Алишер Навоий ижодиётида эса тўлақонли ризо мақомига юксалган Ҳақ ошиғи сифатида намоён бўлди. Хусусан, шоир тазкираларида эр, эран образининг маънавий киёфаси янада аниқ кўринади. Авлиёлар ҳаётига оид лавҳалар, ёднома парчалар ҳамда ибратомуз ҳикматлар асосида ёзилган нодир асар "Насойим ул-муҳаббат"да эр, эран образи тариқат асосчиси, кароматгўй валий, қирқ чилтан, муҳташам мусанниф мақом-мартабасида бўй кўрсатади. Шунингдек, тазкирада эрлик мартабаси хислатлари ҳақида ҳам аниқ далиллар келтирилади. Хусусан, "Олам ягонаси" Абу Ҳафс Ҳаддод эр кишининг таърифини қуйидагича ифода қилади: "Ҳар ким, ҳар вақтда афъол ва аквол ва аҳволини китоб ва суннат мезони била вазн қилиб, рост килмағай, ул кишини эр демасбиз" [1, 49-50]. Яъни феъл-атвори, сўзи ҳамда амали Қуръони карим ва муборак суннат мезони билан тўла-тўкис мос келадиган зотлар эрдир. Сетан, ҳафтан, чилтанлар каби эран ҳам Аллоҳ таоло маънавий аскарларининг жамоасини

Scanned with ACE Scanner

билдиради. Эранлар Яратганнинг хос мумтоз қуллари бўлиб, Расулуллох(с.а.в.)нинг чин вориси даражасига кўтарилган валий-лардир.

Абулкосим Ҳаким Самарқандий ҳам эрнинг энг асосий сифатларидан бирини шундай эътироф этади: "Эр улдурки, мунча шуғл аросида кўнглини Тенгри жалла зикруҳу била асрай олғай"[1, 162]. Маълумки, зикр тариқатда энг муҳим амалий вазифалардан ҳисобланиб, Аллоҳ таолога тил билангина эмас, қалб ва руҳ билан мақтов, ҳамд айтишдир. Ҳадиси шарифда: "Зикрларнинг хайрлиси махфийсидир", – дейилади. Эр – кеча-ю кундуз Яратганга ҳамд-у сано айтувчи, тоат-ибодатда муқим турувчи азиз зотдир. Эр – сайру сулук ҳолларини яшаган бир солик, нақшбандия тариқатидаги "Хилват дар анжуман"да Яратган "ёдкард"и билан мудом машғул зокир, десак тўғри бўлади.

Навоий тазкирада ўз замонининг дин пешвоси, насиҳатомуз ҳикматлар муаллифи Адиб Аҳмад ижодидан ҳам намуна келтиради. Унда эран – илоҳий маърифат соҳиби сифатида гавдаланади:

Сўнгакка иликдур, эранга билик,
Билигсиз эран- ул сўнгаксиз илик.

Ўқув ва идрок соҳиби қилиб яратилган инсон ўз мақомига лойиқ яшаши учун, энг аввало, илм-у маърифатга эга бўлиши керак. Ҳар бир хайрли иш билим ва заковатдан бошланади. Бундай кишиларнинг жамият учун фойдаси тенгсиз. Адиб Аҳмад сўнгакни вужудга, сўнгак илигини эса маърифатга менгзайди. Демак, эран маърифат эгаси. Ҳикматда келган билим – Аллоҳни таниш ирфони эканини ёдда тутишимиз лозим.

Абу Ҳамза Хуросоний ҳаётидан берилган лавҳада эса эрнинг мақоми аниқ кўрсатилади. Бу даража юқоридаги таърифларнинг барчасига якуний хулоса бўла олади. "Замон машойихининг жавонмардларидин" бўлган Абу Ҳамза Рай масжидида атрофдагилардан пайтавалик сўрайди, биров унинг олдига мато қўяди. У зот бир кийишлик олиб қолиб, қолганини қайтаради. Бир кишининг, бу нафис матони сотса, неча пайтавалик ҳосил бўлиши мумкинлиги ҳақидаги эътирозига қуйидагича жавоб беради: "...тасаввуф била тасарруф жамъ бўлмаслар, дунёни дариғ тутмак анга қиймат қўймак – эрни тасаввуфдин, қилни хамирдин чиқарғандек чиқарур. Дунё бир кесакдур ва ул кесакдин бизнинг насибамиз бир гард"[1,130]. Эр тариқат йўлчиси, сайри сулук

Scanned with ACE Scanner

соҳиби. Уни тасаввуф маслагидан айри ҳолда тасаввур қилиш мумкин эмас. Эрликнинг энг асосий шарти мол-дунёга ҳирс қўймаслик, нафсоний истакларга таслим бўлмасликдир. Маълум бўлдики, эр, энг аввало, Қуръони карим ва муборак суннат қоидаларига тўла амал қилувчи тақводор, зикрда собит зокир, нафси билан муроса қилмайдиган мужоҳид. Тасаввуфшунос Маҳмуд Асад Жўъшон ҳазратлари бир маърузаларида, тасаввуф деганда хаёлга биринчи бўлиб қайси фикр келади, деган саволга зикр, нафс тарбияси ва тақво, дея жавоб бергандилар. Эр, Эран образи Навоийгача бўлган давр адабиётида ҳам комил инсон, улуғ авлиё сифатида эътироф қилингани бизга маълум. Лекин Алишер Навоий тазкираси образ хусусиятини янада аниқ белгилаб берганлиги билан аҳамиятлидир.

Навоий тазкирада авлиёларни бир қанча номлар билан улуғлайди, бу сифатлашлар уларнинг маънавий даражасини белгилаши аниқ. Лекин саноқли зотларнигина эр номи билан атайди. "Тариқат асҳобининг муҳташами" Шайх Абдуллоҳ Муборак эр номига лойиқ бўлганларнинг дастлабкисидир: "Бир кун ул келур эрди ва Суфён Саврий ва Фузайл Аёз ҳозир эрдилар. Суфён деди: кел, эй машриқ аҳлида эр! Фузайл деди: ва мағриб аҳлида ва иккисининг аросида"[1, 101]. Маълумки, Аллоҳ таоло сайлаган дунёнинг маънавий султонлари бор. Улар Ер юзининг маълум масканидаги воқеа-ҳодисаларни Аллоҳ изни билан бошқаради ва улар ўша қутбнинг маънавий кўриқчиси саналади. Абдуллоҳ Муборак ҳам Суфён Саврийга кўра машриқ, Фузайл Аёзга кўра мағриб, ҳатто иккаласининг орасидаги муҳофиздир. Навоий тазкирада эрлик хислатларини қандай таъриф-тавсиф қилган бўлса, худди шу фазилатларга эга инсонларни бу номга лойиқ кўрган. Албатта, "Насойим ул- муҳаббат"да келтирилган сўфийларнинг барчаси эр мартабасига кўтарилган валийлар, лекин асарда тариқат йўлбошчиси Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг таваллудидан аввал ҳам шу ном билан аталиши эрлик мартабасининг ниҳоятда баланд эканлигига далолат қилади. Бундай сифатлаш бошқа асарларда учрамайди. Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий "...Қасри Ҳиндувондин ўтарда дер эмишларки, бу туфроғдин бир эр иси келадур. То бир кунки, Саййид Амир Кулол манзилидинки, аларнинг хулафосидиндур, Қасри Орифон сари мутаважжиҳ эрдилар. Дедиларки, ул Эр исики бизинг димоғимизға

Scanned with ACE Scanner

етар эрди, ортукрок бўлубдур. Ҳамоноки ул Эр мутаваллид бўлубдур" [1,302]. Устоз Иброҳим Ҳаққулов бу ҳолатни шундай хулосалайди: "Буюк муршиднинг нафасидан таралган эрлик иси бугунгача дунё аҳлининг қалбини орзиқтириб келади"[10].

"Насойим ул-муҳаббат"да Шайх Зиёуддин Румий, Шайх Абу Абдуллоҳ Бокуларнинг эранлар назарига лойиқ бўлиш ҳақидаги ҳикматли сўзлари бу азиз авлиёларнинг тариқатдаги мартабасини янада аниқ кўрсатиб беради. Айтилишича, "куммал урафоси" Шайх Зиёуддин Румий ғайб эранларидан қирқ кишининг қўлидан тутмасдан ўтирмасликка қасамёд қиладилар. Уч кун шу муддао билан юрган шайх бир масжидда жамоат билан намоз ўкийди. Намоздан сўнг биладики, бу жамоа ғайб эранлари экан ва улар шайхни қўлларидан тутиб, ўзларига толиб қиладилар. Эранлар назар соҳиблари. Улар назарига лойиқ бўлиш машаққат талаб килади, бу заҳмат киши қаддини дол қиладиган жисмий уқубатгина эмас, нафсоний истаклар билан курашиш, илоҳий қонун-қоидаларга риоя килиб яшашдир. "Эр бўлмасанг, ўлғон яхши", дея ўзини мазаммат килган улуғ авлиё Аҳмад Яссавий ҳикматларида ҳам бунинг ёркин ифодасини кўришимиз мумкин бўлади:

Суҳбат вақти ҳозир бўл, эранларга нозир бўл,
Ул ҳолатда эранлар эрга назар қиларлар [8,268].

Маълумки, эр, эран номи адабиётда фақат жинс маъносида қўлланмайди, у камолот йўлидан бораётган илоҳий насиба соҳиби сифатида гавдаланади. Бу номлар аёлларга ҳам нисбат бериладики, "Насойим"да бу аниқ кўзга ташланади. Тазкирадаги сўнгги фасл "Эрлар мартабасига етган ориф аёллар зикри" деб номланади ва унда 35 нафар валий аёллар ҳақида маълумот бериб ўтилади. Фасл мукаддимасида ҳазрат Навоий Шайх Абдурраҳмон Суламийнинг: "Агар аёллар биз айтгандек бўлсалар, эркаклардан афзалдирлар" маъносидаги байтини келтиради. Бу қисмдаги Фотима бинти Абобакр Каттоний ҳақидаги бир маълумот эътиборни тортади: "Ул Самнун Муҳиб мажлисида вақтики муҳаббатдин сўз айтадур эрди, жон берди. Ва эранлардан дағи уч киши анинг мувофақатиға ўлдилар" [1, 489]. Маълумки, тариқатларда суҳбат мавзусига алоҳида эътибор қаратилган. Зикри само ёки илоҳий суҳбатларда ғайб эшиклари очилади ва бу мажлисларда эранлар ҳикмат гавҳарига айланади тарзидаги ифодалар тариқат шоирлари ижодида ҳам алоҳида кўзга ташланади. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг

Scanned with ACE Scanner

“Бизнинг тариқимиз суҳбатдир”,- дейишлари ҳам анжуман хосиятидан дарак беради. Бу соҳибмаърифат аёллар эр даражасига кўтарилган валийлардир. Зотан, “Аллоҳ билан унс тутдим. Айриликдан қўрқгайман. Мабодо, ўлим вақтида нидо келмасинки, “Сен бизга керак эмассан”деб”,- дея фарёд қилган Робиъат ул-Адавийя ҳам “Тазкират ул-авлиё”да эранлар қаторида зикр қилинади [4, 145].

Ҳазрат Навоий “Мажолис ун-нафоис”тазкирасида шоирлар ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида маълумот берар экан, намуна сифатида уларнинг энг сара мисраларини келтириб ўтади. Мутафаккир шоир Ҳайдар Хоразмий, Абубакр Мирзо каби ижодкорлар ҳақида маълумот бериш асносида уларнинг айнан эр образи ифодаланган шеърий парчаларини беришни маъқул кўради. Навоий тазкирасида Амир Темур набираси Абубакр Мирзо ижодидадан берилган туюқ эрлик- мардлик эканлигини ифодалайди:

Эр керак ўртанса ёнса ёлина,
Ёра деб ётса отининг ёлина.
Ит ўлуми бирла ўлса яхшироқ,
Эр отониб душманига ёлина [3, 412].

Эр - асл туркий сўз бўлиб, унинг образ сифатида адабиётга кириб келиши қадимги даврларга тўғри келади. Бу тимсолда туркийларга хос жасорат, ҳиммат, ҳилм, сабр-у қаноат каби эзгу хислатлар ўз тажассумини топган. Бир сўз билан айтганда, эрлик ор-номус масаласи бўлган. Биринчи мисрада ёлина- олов, аланга маъносида келган. Эр шундай мардки, ўтда ёниб, жароҳат олганда, Яратгандан мадад сўраб, отининг ёлига ётади, асло душманидан илтижо қилиб ёрдам сўрамайди, жонини омон сақлаш учун унинг пойига йиқилмайди. Эр аталганнинг ғанимга таслим бўлиши итдек ўлим топишдан ҳам аянчли қисмат. Эр ҳам жисмонан, ҳам маънан мукаммал шахс, унинг учун ғурур, орият туйғулари ҳар нарсадан устун. Туюқда от эрнинг жон йўлдоши тимсолида келади. Бундай сифатлаш халқ достонларидаги сюжетни эсга солади. Достонда эр дея улуғланган *(Ота юртим Ёдгор қўзим тебратар, Ғаним бўлган душманларни бўзлатар, Отаси Эр эди, Эрдай бўп ўтар [5,331])* Алпомиш кудукда асир ётганида ҳатто дўстининг ёрдамидан ҳам воз кечган эди. Қачондир сени кутқарганман, деб юзимга солса, бу иснодни кўтара олмайман, деб арқонни кесади. Бойчибор мадади

Scanned with ACE Scanner

билан кудукдан чиққан Алпомиш учун нафақат душманига, балки дўстига юкиниш ҳам марднинг иши эмасдек туюлади. Бу образ воситасида ижод аҳли ўз орзу-умидлари, қадриятлари мужассамлашган қаҳрамон сиймосини яратган.

"Мажолис ун-нафоис"да келтирилган Ҳайдар Хоразмий маснавийсида эр- каромат соҳиби маъносини ифодалайди :

Ҳиммат элидур яди байдо деган,
Эр нафасидур дами Исо деган [3,412].

Эр, Эранлар кашф-у каромат берилган азиз зот эканлиги айни ҳақиқат. Бадиий адабиётда эранлар пайғамбарлар мўжизасига ворислик килган каромат соҳиблари сифатида тасвирланади. Маълумки, Исо (а.с.)га Аллоҳнинг изни билан ўликларни тирилтириш мўжизаси ато қилинган эди. Байтда эр нафаси Исо (а.с.) дами билан қиёс қилинмоқда. Бу қандай нафас? Манбаларда айтилишича, каромат икки хил кўринишда бўлиб, моддий ва ҳақиқий турларга бўлинади. Ҳақиқий каромат илм ва ахлоққа доир бўлиб, бунда валий муридларнинг ҳолларини ижобий томонга ривожлантириши, илм-у ирфони билан уларга таъсир ўтказиши, ёмон хулқларини бартараф қилиши назарда тутилади. Эрларнинг ўликларни тирилтириши мажозий маънода қалб тарбиясини амалга оширишидир. "Тазкират ул-авлиё"да кўнгилнинг беш тури фаркланади: ўлик, хаста, ғофил, уйғоқ, тирик. Ҳасан Басрий ҳазратлари "Ухлаган кўнглимизни уйғотгил",- деган жамоатга хитобан айтган эканлар: "Ухлаган кўнгилни уйғотмоқ қулай, аммо сизнинг кўнглингиз ўлгандир" [4, 16]. Дунёда ўлик қалбли инсондан-да хавфли киши йўқ. Эранлар иршод вазифаси ато этилган зотлардир. Аҳамиятлиси, ўзбек адабиётининг ҳеч бир даврида эр ва эранлар иршодига шубҳа билан қаралмаган, улар хизматидаги толиблар саодат соҳиблари эканлиги кўп бор таъкидланган. Бу азиз зотларлар шундай мураббийки, улар қўлида мис зарга, қора тупроқ "тожи сар"га айланади.

Ҳар бир бадиий тимсол, образ, рамзлар ҳазрат Навоий ижодида ҳадди аълосига етганидек, Эр, Эран номлари ҳам улуғ шоир меросида тўлиқ мукаммаллик касб этди. Мутафаккир шоир, деярли, ҳар бир асарида образ мундарижасини тўлдириб борди. Айтиш мумкинки, ҳазрат Навоий тазкираларида Эр, Эран образи миллатнинг мард, жасур ўғлонлари, улуғ авлиёлар, шайх-у муршидлар, сайру сулук соҳибларини ифода этади. Навоий

Scanned with ACE Scanner

эътирофича, миллатнинг энг буюк қаҳрамонлари эр деб аталади, улар тўғрилик маслаги асосида яшайди, ёш авлодни ҳам ўз ортидан эргаштиради. Адабиётнинг энг асосий вазифаси авлод тарбияси эканлигини ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, Эр, Эран сиймосини чуқур ўрганиш ёшлар камолотига сезиларли таъсир ўтказади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. МАТ. 17-том. Насойим ул-муҳаббат. -Т.: "Фан", 2001.
2. Алишер Навоий. МАТ. 14-том. Маҳбуб ул-қулуб. -Т.: "Фан", 1998.
3. Алишер Навоий. ТАТ. 9-том. Мажолис ун-нафоис. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013.
4. Аттор Ф. Тазкират ул-авлиё. Мирзо Кенжабек таржимаси. -Т.: "Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси", 1997.
5. Алпомиш. Айтувчи: Фозил Йўлдош ўғли. Нашрга тайрловчилар: Ҳоди Зариф, Тўра Мирзаев. -Тошкент, 2019.
6. Кошғарий М. Девону луғотит турк. III томлик. -Т.: "Фан", 1963.
7. Маҳмуд Асад Жўъшон. Юнус Эмро ва тасаввуф. Таржимон ва нашрга тайёрловчи Сайфиддин Сайфуллоҳ. -Тошкент: "Азон китоблари", 2021.
8. Навоий асарлари луғати. Тузувчилар: П.Шамсиев, С.Иброҳимов. -Т.: "Академнашр", 2019.
9. Яссавий А. Девони ҳикмат. -Т.: "Мовароуннаҳр", 2004.
10. Ҳаққул И. Навоий ижодида Эр ва Эран образи. -Ўзбек тили ва адабиёти, 2019. №1.
11. Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърият. -Т.: "Адабиёт ва санъат", 1991.

Scanned with ACE Scanner